



2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА АДОЛАТ МАСКАНИ

Ўзбекистонда маҳалла шунчаки маъмурий бирлик эмас. Бу кўп асрлик ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлик ва масъулият анъаналарини ўзида мужассам этган ноёб ижтимоий институтдир.

Айнан маҳалла даражасида ишонч муҳити шаклланади, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар тарбияси ва оилавий қадриятлар мустаҳкамланади. Жамиятнинг юксалиши маҳалла институти ривожини билан чарбарчас боғлиқ.

Сўнгги йилларда маҳалланинг роли сезиларли даражада ошди. У аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш, бандликни таъминлаш ва жамоат тартибини мустаҳкамлашнинг таъсирчан воситасига айланди. Бу жараёнда бугунги кунда ҳар бир маҳалла даражасида ўзаро мувофиқлаштириш ва ҳамкорликнинг энг муҳим механизми бўлган "маҳалла еттилиги"нинг универсал модели алоҳида аҳамият касб этмоқда.

"Маҳалла еттилиги" таркибига аҳолининг муаммоларини ўз вақтида

аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг самарали йўлларини топишдек умумий мақсад йўлида бирлашган асосий тузилмалар ва жамоатчилик институтлари вакиллари қиради. Бундай модель оилалар, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари билан тизимли ишлаш имконини беради. Унинг асосий афзаллиги - комплекс ёндашув ва ҳар бир иштирокчининг шахсий масъулиятидир.

► (Давоми 3-бетда)

СИЁСИЙ САРҲИСОБ

ФАОЛЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК ВА НАТИЖАДОРЛИК

2026 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ ҲАМ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Янги йилга янги мақсадлар, янги орзулар билан қадам қўйдик. Ортга назар ташласак, 2025 йил ҳар биримиз учун изланиш ва ютуқлар, ўз навбатида, турли синовларга бой бўлганига гувоҳ бўлдик. Энг муҳими, ўтган йил бизга тажриба берди, сабоқ ўргатди, келажакка ишонч бағишлади.

► (Давоми 4-бетда)

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



ИМТИЁЗЛАР – ФАРОВОН ҲАЁТ САРИ ПИЛЛАПОЯ

Расмий статистика айна дамда Ер юзи аҳолиси 8,1 миллиарддан ошганини кўрсатади. Неча минг йилларки, бани башарга ҳаёт бешиги бўлиб келган сайёрамизнинг қайси нуқтасида яшамасин, ҳар бир инсон учун фаровон турмуш, кўнгул хотиржамлиги ҳамма нарсадан муҳим. Бироқ ҳозирги дунё манзараси кишида андак тушкунлик, хавотир хиссини уйғотади. Давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилиқ, хавфсизликка таҳдидлар, сўзсиз, иқтисодиётда глобал беқарорлиқни пайдо қилмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кўра, савдо тўсиқларининг кучайиши ва сезиларли геосиёсий ноаниқликлар фониди жаҳон иқтисодиётида ўсиш

секинлашиб бораётир. Прогнозларда келтирилишича, дунё иқтисодий ўсиш динамикаси 2026 йилда 2,9 фоизга тушиши мумкин (2025 йилда бу рақам 3,2 фоиз бўлган).

Ҳа, инсоният янги йилни ҳам мана шундай мураккаб бир вазиятда қарши олди. Бундай таҳликали шароитда инсонийлик ва тинчликпарвар сиёсатни маҳкам тутиб, ҳар бир фуқароси учун муносиб ҳаётни яратиш йўлида собит турган давлатлар учун осон бўлаётгани йўқ. Ўзбекистон ҳам шундай давлат ўлароқ, иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлашни стратегик мақсад қилиб белгиланган.

► (Давоми 3-бетда)

САНОАТДАН ИНФРАТУЗИЛМАГАЧА: ЖИЗЗАХНИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ



Яқин-яқингача ҳаёт асосан пойтахт атрофида айланарди. Ҳудудларга эътибор катта эмасди. Бугун вазият тубдан ўзгарди. Бунинг натижасида ҳудудларда инфратузилма соҳасида шиддатли ўсиш, замонавий sanoat корхоналарини қуриш, уй-жой ҳамда ижтимоий объектларни барпо қилиш борасидаги ўзгаришлар яққол кўриниб турибди.

Жиззах ҳамда Сирдарё вилояти пойтахтни воҳа билан боғлаб турувчи йўлда жойлашган ҳудуд эди гўё. Эндиликда республика бўйлаб кузатилаётган ўзгаришлар бу ҳудудларда ҳам янгилик бўлмай қолди. Хусусан, Жиззах вилояти айрим соҳаларда мегаполисга айланмоқда.

► (Давоми 6-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ЯНГИ ҚАДАМ



Янги йилнинг илк сешанбаси...

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлислар зали одатдагидек депутатлар билан гавжум. Турли нуқталарда бир неча кишилик гуруҳлар қизғин равишда нималарнидир муҳокама қилмоқда. Уларга яқинроқ борсангиз, суҳбатлар мавзуси кун янгиликлари ва, албатта, қонун лойиҳалари ҳақидаги фикрлардан иборат эканини англаш мумкин. Палата мажлиси ҳам айна шу шаклда бошланди...

Қўйи палатанинг жорий йилдаги биринчи мажлисида кун тартибига кўра бир неча қонун лойиҳалари муҳокама марказидан ўрин олди. Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берилди. Уларни янада такомиллаштиришга доир бир қатор таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

► (Давоми 2-бетда)

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

ИНСОН ҚАДРИ – ЭНГ ОЛИЙ ТАМОЙИЛ

2025 йил юртимиз учун хайр-у баракали келди. Жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида янги саҳифалар очилди. Инчунун, ҳар бир инсоннинг муносиб шароитда яшашини кафолатлаш, бунинг учун эса бандлик кўрсаткичларини ошириш, камбағалликни қисқартириш йўлида залворли натижаларга эришилди.

Камбағаллик – жамиятнинг огрикли нуқтаси. Даромадли ва муқим иш жойининг йўқлиги, турмуш даражаси пастлиги (уй-жой, санитария, коммунал ҳолатнинг ночорлиги), соғлом овқатланиш, сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш борасида имкониятларнинг чекланиши ижтимоий кайфиятда тушкунлик тенденциясини ҳосил қилади. Таассуфки, бугун дунё бўйлаб бундай кайфиятдаги инсонлар сони оз эмас.



► (Давоми 7-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ЯНГИ ҚАДАМ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Мажлисда дастлаб электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган қонун лойиҳасида электрон тижорат соҳасидаги истеъмолчилар муомаласига кириб бораётган йўналишларга оид янги электрон савдо платформаси ва буюртмалар агрегатори операторлари, рақамли стриминг хизмати, электрон тижорат иштирокчилари, трансчегаравий электрон тижорат каби атамаларга тушунча берилиб, бизнес жараёнлар ва соҳани солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Мажлисда мазкур қонун лойиҳаси электрон тижоратнинг шаффоф ва очик экотизимини яратиш, электрон тижорат платформалари ва сервисларини жадал ривожлантириш, иқтисодиётдаги яширин айланмалар ҳажмини қисқартириш, электрон тижорат муносабатларидаги иқтисодий масалаларни янада такомиллаштиришга қаратилгани қайд этилди.

Мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Мажлисда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда аёлларни реабилитация қилиш марказларига зўравонликдан жабрланган шахслар манфаатларини

кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан мурожаат қилиш ва суд мажлисларида уларнинг вакили сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, жабрланувчилар махсус марказларда бўлган даврда иш жойи ва лавозимини сақлаб қолиш кафолатланмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликка "боланинг энг устун манфаатлари" тушунчасини киритиш орқали болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий асослар такомиллаштирилипти.

Қайд этилдики, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланади. Шунингдек, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчилик халқаро стандартларга уйғунлаштирилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ҚҲРИҚЛАШ ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА ЯНГИ НОРМАЛАР

Мажлисда "Қўриқлаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси қўриқлаш фаолияти доирасини кенгайтиришни, хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини, кўнгилочар ва қурилиш обектларини қўриқлашни амалга ошириш бўйича ҳуқуқий асосларни белгилашни, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг ушбу соҳадаги ваколатларини аниқлаштиришни назарда тутди.

Лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси мансабдор шахсларига тегишли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш ваколатлари Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш департаменти мансабдор шахсларига ўтказилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар қўриқлаш фаолияти соҳасидаги қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда жамоат хавфсизлиги ва қонунийлиқни таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

СУДЬЯЛИККА НОМЗОДЛАРНИ КҲРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШ- ТИРИЛМОҚДА

Мажлисда Сенатнинг "Ўзбекистон Республикаси



Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонунчилик

ҚАЙД ЭТИЛДИКИ,
ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ
ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ
НАТИЖАСИДА ТАЗЙИҚ
ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН
ЖАБР КЋРГАН
ХОТИН-ҚИЗЛАР
ҲАМДА УЛАРНИНГ
ВОЯГА ЕТМАГАН
ФАРЗАНДЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚЛАРИ
ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИНИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ ЯНАДА
МУСТАҲКАМЛАНАДИ.

таклифи кўриб чиқилди.

Маълумки, Конституциявий суд судьялари, Олий суд раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари, Судьялар олий кенгаши раиси, раис ўринбосари, унинг аъзолари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилади ва уларни сайлаш тўғрисидаги масала Сенатнинг навбатдаги мажлисида Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчиликл овози билан ҳал қилинади.

Мазкур қонунчилик таклифи билан судьяликка номзодларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш таклиф этилмоқда.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунга судьяларни лавозимларига сайлаш учун номзодлар дастлабки тарзда Олий Мажлис Сенатининг масъул кўмитаси томонидан кўриб чиқилиши ҳамда кўриб чиқиш якунлари бўйича кўмита томонидан хулоса қилиниши билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилмоқда.

Мажлисда қонунчилик таклифи бўйича қарор қабул қилинди.

ЭКСПОРТБОП МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИНИ КЋПАЙТИРИШ БЋЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Депутатлар қишлоқ ҳўжалиги вазири И.Абдурахмоновнинг "Мамлакатимизда экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш ва мақсадли экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги парламент сўровига берилган жавобини кўриб чикди.

Унда келтирилишича, кейинги йилларда мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилишга доир ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, "Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи тўғрисида"ги ва "Қишлоқ ҳўжалиги таваккалчиликларини сўғурта қилиш тўғрисида"ги яхлит қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси қабул қилиниб, қишлоқ ҳўжалигидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди.

2025 йилда қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасида халқаро стандартлар талабларини жорий этиб, сертификатланган корхоналар сони 2045 тага етказилди ва режа 101 фоизга бажарилди. Бугунги кунда республикада органик сертификат берадиган 12 та мувофиқлиқни баҳолаш органлари фаолият юритмоқда.

Фермер ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари томонидан 10 минг гектарда органик маҳсулот етиштириш бўйича вазифа белгиланган бўлиб, амалда 36 та субъектлар томонидан жами 10,3 минг гектарда органик маҳсулот етиштирилди. Ушбу майдонлардан жами 26,5 минг

тонна ҳосил олинган бўлса, республикада GlobalG.A.P халқаро тан олинган стандарти талаблари асосида 955 гектар майдонда 14 минг тонна мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Парламент сўровига келган жавобда қайд этилганидек, халқаро стандартларни жорий этган 48 та қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат корхоналарига давлат томонидан 2025 йилда 3,8 млрд. сўм молиявий ёрдам ажратилган.

Бугунги кунда республикада қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасида амалда 4 233 та стандартлар мавжуд бўлиб, шундан 1957 таси халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилди. Амалдаги стандартларни ЖСТ талабларига мослаштириш бўйича эса 410 та стандарт кўриб чиқилди.

2025-2026 йилларда ҳудудларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича 10,4 трлн. сўмлик 673 та лойиҳаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, амалга ошириш бўйича тизимли мониторинг йўлга қўйилди.

2025 йилда фермер ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида жами 3,9 млн. гектарга экин экилган бўлса, 898 минг гектарга такрорий экинлар экилиб, 12,8 млн. тонна, шундан 5,1 млн тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилди.

Экспорт географияси эса 95 та давлатни қамраб олиб, Россия, Афғонистон, Қозоғистон, Покистон ва Хитой асосий савдо ҳамкорлари сифатида етакчи ўринларни эгаллади. Япония, АҚШ, Корея Республикаси ва Европа давлатлари бозорларига чиқиш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Депутатлар ушбу йўналишда вазирлик томонидан муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлашди. Шу билан бирга қишлоқ ҳўжалигида экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Мажлисда мазкур масала юзасидан доимий парламент назорати олиб борилиши қайд этилиб, қишлоқ ҳўжалиги вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.

ИМТИЁЗЛАР – ФАРОВОН ҲАЁТ САРИ ПИЛЛАПОЯ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Яна рақамларга юзланамиз. 2025 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард доллардан ошди. Экспорт ҳажми эса 23 фоизга ортиб, 33,4 миллиард долларлик маррага етди. Иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми ҳам бениҳоя салмоқли бўлди.

Жаҳондаги кескин тангликка қарамай, мамлакатимиз иқтисодиётининг изчил суръатда ўсиб бораётгани одамларимиз турмуш даражасида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда. Ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам вакиллари ямийнинг фаол иштирокчисига айлантириш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, 18 ёшга тўлмаган фарзандлари бор ёлғиз оналарни, нафақахўр ва кексаларни, ногиронларни, ишсизларни қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга олиб чиқиш чоралари кўрилмоқда. Давлат раҳбарининг парламентга ва халқимизга Мурожаатномасида таъкидланганидек, имтиёзли кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилгани ва булар маҳалладаги “еттилик” орқали амалга оширилаётгани яқин-яқингача эҳтиёжманд қатламга мансуб саналган минглаб ҳамюртларимиз оиласига тўкинлик, ҳаётига янги маъно-мазмун олиб кираётгани аини ҳақиқатдир.

БУГУН ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШМОҚДА

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларда “инсон—жамият—давлат” тамойилнинг устуворлиги ҳар бир инсон учун муносиб яшаш шароитларини кафолатламоқда. Бир инсон муаммоси бутун жамиятнинг муаммоси, деб қаралаётгани боис ҳам оддий одамлар ўз таъшиш ва қийинчиликлари билан ёлғиз қолмаяпти.

Хусусан, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламлар – аёлларни, ёшларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, ҳудудларда камбағалликни қисқартириш, айрим сабабларга кўра ишсиз бўлганларни меҳнат бозорида талабгир касб-ҳунарларга ўқитиш чора-тадбирлари аллақачон ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бу жараёнда ишбилармонлик лаёқатига эга, шижоатли аёлларимизни, йигит-қизларимизни хусусий

тадбиркорликка жалб қилиш қамрови ҳам кенгайиб бормоқдаки, бугун юртимизнинг қай манзилига, қай маҳалласига борманг, кичик бизнес лойиҳаларини амалга ошириб, ўнлаб иш ўринларини очган ва ўз маҳалладошлари учун муқим даромад манбаини яратган, тадбиркорлигини кенгайтиришга аҳд қилган ғайратли аёлларимизни, ёшларимизни учратасиз. Бинобарин, аҳоли ўртасида тадбиркорлиқни янада ривожлантириш учун имтиёзли ресурсларнинг ажратилаётгани, айниқса, аёл тадбиркорларга бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун молиявий кўмаклашилаётгани оила ва фарзандлар тарбиясидан ортиб, жамиятга, мамлакат иқтисодиётига наф келтириш ниятида бўлган опасингилларимиз учун катта мадад бўлмоқда.

–Бир пайтлар “Аёллар дафтари”да рўйхатда турардим, – дейди сайхунободлик Дилфуза Тожибоева. – Иш сўраб, кўп эшикларни қоқдим, лекин таклиф этилган маош қора қозонни қайнатишга ҳам етмасди. Маълум муддат турмуш ўртоғим билан Тошкент вилоятида бир хонадонда гулчилик билан шугўлландик. Бу ҳунарнинг сир-асрорларини ўрганиб, ўз томоркамизда ҳам гулчиликни йўлга қўйсак, деган ният бор эди. Бироқ иссиқхона қилиш учун ҳам яхшигина маблағ керак. Бизнинг эса кўлимиз калта... Шундай бир пайтда маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси бошчилигида бир гуруҳ мутасаддилар хонадонимизга келиб, шарт-шароитимизни ўрганди. Гулчилик бизнесини бошлашимиз учун имтиёзли кредит таклиф қилишди. Таклиф маъқул келиб, кредит олдик ва томоркамизда етти сотих жойга иссиқхона қурдик. Қисқа вақт ичида оёққа туриб олдик. Турмуш ўртоғимга ҳам кредит асосида мотокультиватор берилган эди. Бу ҳам яна бир кунлик даромад манбаимиз. Кечаги ёлланма ишчидан бугун “Гулчи Дилфуза” бўлдим. Бир пайтлар “Қандай қилиб даромад топсам, рўзгор кам-кўстини қандай бутласам”, деган ташвишда кун ўтказардим. Энди эса бизнесимни кенгайтириш, янги иш жойлари очиб, маҳалламга, давлатимизга наф келтириш ҳақида ўйлаяпман, режа қияпман, эртанги кунимизга умид билан қараяпман.

(Агар Дилфузанинг бу сўзларини, ундаги қайфиятни мўйқаламда тасвирлашнинг иложи бўлганида эди, бу суратга “Ислохотлардан



розилик ҳисси” деб ном қўйган бўлар эдик).

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Тасдиқланган маълумотларга кўра, бугунга келиб юртимизда 75 фоиз аҳолининг молиявий ҳолати яхшиланган. Халқимизнинг даромади ва харид қобилиятини ошириш жараёнида, албатта, хусусий сектор ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳамда иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидagi улуши йил сайин ошиб бораётгани, минглаб микро корхоналар катта компаниялар билан ҳам рақобат қила бошлагани, йиллик айланмани жадал ошириб, йирик бизнес сафига қўшилаётгани – бу соҳада минглаб иш ўринлари яратилаётганидан, пировардида рўзгори ҳаминқадар оилалар муқим даромад манбаига эга бўлаётганидан далолат беради. Ишсизликдан холи ҳудудларни кўпайтириш, қишлоқ жойларда саноат ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмаси оқсаган, чекка-чекка манзилларга ҳам ободонлик ҳамда фаровонлик нафасини олиб киришда бизнес вакиллари фаоллик ва ташаббускорлик намунасини кўрсатаётир.

– Биласиз, бизнинг Қорақалпоғистон ҳудудида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш тинимсиз меҳнат билан бирга агротехник билим ва кўникмаларни ҳам талаб қилади, – дейди Шўманай тумани “Беғжап” овул фуқаролар ййғинида яшовчи тадбиркор Феруз Жўраев. – Бундай шароитда янги йўналишларда, масалан,

резаворлардан юқори ҳосил олиш мумкин, дейишса, қимлардир ишонмас. Аммо биз бунинг уддасидан чиқяпмиз. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга берилаётган эътибор, истиқболли лойиҳалар учун имтиёзли ресурсларнинг ажратилаётгани бунда бизга қўл келди. Ҳозирда бир гектар майдондаги иссиқхонамизда кулупнай етиштиряпмиз. Кўчатларни сўғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари автоматик тарзда амалга оширилади. Ҳосилдорлик эса юқори. Мана, қиш кунлари ҳам пишиб етилган қулупнайларни бозорга пешма-пеш чиқаряпмиз. 12 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлигини таъминлаганмиз.

Кишини мамнун этадиган жиҳат шундаки, бугун Феруз Жўраев сингари халқимизнинг, оилаларнинг ҳаётини фаровон қилишга бел боғлаган тадбиркорларимиз сафи кенг. 2026 йилда юртимизда тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларига 10 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиши, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 140 триллион сўм ресурс берилиши, шундан 43 триллион сўми хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши – бу яна юзлаб янги лойиҳалар рўёбга чиқарилишидан, минглаб доимий иш ўринлари яратилишидан даракдир. Ахир турмуш фаровонлиги барқарор даромад манбаидан бошланади.

УЙ - ҲАЛОВАТ ҚЎРҒОНИ

Ҳар бир инсоннинг фаровон яшашида илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш, ишсизликдан

ҳимояланиш каби ҳақ-ҳуқуқлари қаторида уй-жой билан таъминланиши ҳам муҳим ўрин тутати. Айниқса, халқимиз уй-жойли бўлишни муносиб ҳаёт кечиришнинг асосий шартларидан деб билади. “Уйи борнинг ўйи бўлмайди”, “Уй – Ватан ичра ватан”, “Ўз уйим – ўлан тўшагим” каби мақоллар жамиятимизга чуқур сингиб кетгани бежиз эмас.

Дарвоқе, янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилган.

–Янги йил байрами оиламиз учун қўшалок келди, биз ўз уйимизга кўчиб ўтдик, – дейди бухоролик Нигина Тўхтаева. – Уйинг бўлса, кўнглинг тинч, турмушинг ҳаловатли, рўзгорингда барака бўлар экан. Буни ижарама-ижара, уйсизликда сарсон яшаган инсонлар яхши билади. Уйли бўлиб, ҳаётимиз буткул ўзгарди. Ҳар тонг шуқр билан уйғонамиз. Янги орзулар, янги мақсадлар... Ўзимиздан келиб чиқиб айтманки, юртимизда ҳеч ким эътибордан четда эмас! Ҳар бир оиланинг тўқис, хотиржам яшаш учун давлатимиз томонидан етарли даражада имкониятлар, зарур имтиёзлар яратиб бериляпти.

Юртимизда сўнгги йилларда аҳолининг турмуш даражаси, демографик кўрсаткичлар ошиб боришига ҳамоҳанг равишда уй-жой сиёсати тизимли юритилаётгани одамларимиз турмуш сифати ва даражасини юксалтирмақда. Қолаверса, бу республикамизда шаҳар ва қишлоқ туманларида юзлаб замонавий инфратузилмага эга, кўркам турар жойлардан иборат янги мавзелар қад ростлашига олиб келяпти.

2026 йилда ҳам аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, иқтисодиётда энг катта талаб яратадиган уй-жой ипотекасига 23 триллион сўм ресурс ажратилиши, уй-жой сотиб олишда бошлангич тўлов ва фоиз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун 2 триллион 700 миллиард сўм субсидия берилиши, 140 мингга квартирали кўп қаватли турар жойлар барпо этилиши доимий бошпанага эга бўлиш илинжида яшаётган қанчадан-қанча юртдошларимизга фаровон келажақдан мурда бермоқда.

Ф. ИБРОҲИМОВА.

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА АДОЛАТ МАСКАНИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Айнан "маҳалла еттилиги"нинг изчил фаолияти туфайли ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кучаймоқда, ижтимоий шериклик ривожланмоқда, жойларда бандлик ва тадбиркорлик фаоллиги даражаси ошмоқда. Маҳалла давлат ва фуқаролар ўртасидаги мулоқот майдонига айланмоқда, бу ерда ҳар бир инсон ўз кадр-қиммати ва жамиятдаги жараёнларга дахлдорлигини ҳис қилмоқда.

2026 йилнинг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилингани бу институтни янада такомиллаштиришга янги суръат бағишлайди. Бу ерда гап маҳаллаларнинг нафақат ваколатларини кенгайтириш, балки улардаги кадрларнинг касбий салоҳиятини ошириш, жараёнларни рақамлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳақида бормоқда. Зеро, ривожланган маҳалла - мустаҳкам оила, фаол ёшлар, ижтимоий адолат ва барқарор тараққиёт дегани. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг барқарорлиги, фаровонлиги ва раванки йўлидаги стратегик танловдир.

Давлат раҳбари томонидан Олий Мажлис ва кўп миллатли Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида кўрсатиб ўтилган вазибалар расмий ёндашуви эмас, балки ҳокимиятнинг барча даражада чуқур ва тизимли ишлашини талаб қилади. Ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, жараённинг барча иштирокчилари ваколатларини аниқ белгилаш ва масъулиятини оширишга қаратилган фаол қонун ижодкорлиги фаолиятисиз маҳалла институтини ривожлантириш мумкин эмас. Бу борада нафақат қонунлар қабул қилинишини, балки жойларда уларнинг ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлашни тақозо этади. Айнан фуқаролар билан бевоусита мулоқот қилиш, маҳаллаларда юзма-юз учрашувлар ўтказиш, одамларнинг мурожаат ва таклифларини ўрганиш орқали жамиятнинг реал муаммолари ва кутаётган натижалари ҳақида ҳолис тасаввур шаклланади. Бундай мулоқот қабул қилинаётган қарорларни ҳаётин мазмун билан тўлдириш, уларни оилалар ва фуқароларнинг реал эҳтиёжларига йўналтириш имконини беради.

Умуман олганда, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш яна бир стратегик қадам ҳисобланади. Ишонч, масъулият ва ҳамжихатлик бор жойда аҳил жамият шаклланади, маҳалла эса бу жараёнда асосий бўгин вазифасини бажаради.

Маҳалла тараққиёти - бу Янги Ўзбекистоннинг тараққиётидир.

Ирина ТОКАРЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.



ИЛК КОСМОНАВТ ВА БИРИНЧИ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичини бошлаб беради

Хабарингиз бор, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва мамлакатимиз халқига Мурожаатномасида Ўзбекистон томонидан илк космонавт ва биринчи сунъий йўлдошни космосга учуриш бўйича ишлар бошланганини маълум қилди. Ушбу мақсадда 2030 йилга бориб юртимизда IT хизматлар экспортини 5 миллиард долларга етказиш, Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятида 4 та дата-марказ ташкил этиш, 2 та суперкомпьютерни ишга тушириш ҳамда 15 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораториялари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилгани таъкидланди.

Келинг, шу ўринда сунъий йўлдош ва илк космонавтни фазога чиқариш билан боғлиқ ташаббуснинг илмий, иқтисодий ва коинот архитектурасига доир жиҳатларини биргаликда таҳлил қиламиз.

Тасаввуримиздек, илк космонавт физика, математика, муҳандислик, авиация ва космик технологиялар, IT, сунъий интеллект, робототехника илмларини чуқур эгаллаган ватандошимиз бўлади. Бу эса келгусида мамлакатда муҳандислик ва илмий мактабларнинг шаклланишига туртки беради. Албатта, космонавт оддий учувчи эмас, у бир вақтнинг ўзида муҳандис, олим ва синовчи ҳамдир.

Космик соҳада муваффақият бир йил ёки икки йил ичида эришиладиган натижа эмас. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, илк сунъий йўлдошни тайёрлаш ва самарали ишга тушириш учун камида 5–7 йиллик тизимли тайёрларлик талаб этилади. Бу давр ичида

ҳуқуқий база яратиш, кадрлар тайёрлаш, техник инфратузилмани шакллантириш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш каби муҳим вазибалар босқичма-босқич амалга оширилади.

Сунъий йўлдош ва космонавт лойиҳалари кўп ҳолларда “жуда қиммат” деган қараш билан баҳоланади. Аммо илмий нуқтаи назардан қаралганда, бу маблағлар бир марталик харажат эмас, балки миллий иқтисодиётга қайтиб келадиган инвестицияга ҳисобланади.

Табийи савол туғилади: Ўзбекистонга сунъий йўлдош нима учун керак?

Асосан у бизга осмондан ер ва атроф-муҳитни кузатиш имконини беради. Масалан, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг ҳолатини ўрганиш, сув захираларини назорат қилиш, иқлим ўзгаришларини, табиий офатларни олдиндан башорат қилиш бусиз бўлмайди. Бундан ташқари, сунъий йўлдошлар телекоммуникация соҳасини ривожлантиришда, рақамли иқтисодиётини қўллаб-қувватлашда ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ер ости археологик ёдгорликларини аниқлаш, ички сув объектларини мониторинг қилиш, сув тошқинларини хариталаш ва бошқаришда ҳам унинг роли катта.

Тарихга назар солсак, 1890-1970 йиллар оралиғида инсонларнинг фазо тушунчасига қизиқиш орқали архитектуранинг асосий концепцияси барқарорлаштирилди.

Илк маротаба 1968 йилда НАСА томонидан амалга оширилган миссияда космик кемалар дизайнига инсоннинг психологик ўлчовлари киритилиши билан космик архитектура пайдо бўлди.

Фазовий архитектура, космосда яшаш муҳитини лойиҳалаштириш ва

қуриш назарияси ривожланган экан, амалиёт учун кенг йўл очилаверади. Ҳозирча космик архитектура асосан муҳандисликка йўналтирилган бўлиб, дунё космик агентликлари томонидан турли лойиҳаларда қўлланиб келинмоқда.

Коинот архитектураси илмий прогнозларга кўра, 2030 йилга келиб тез ривожланаётган соҳага айланади. У космик мониторингдан фазовий лойиҳалашгача бўлган жараёни ўз ичига олади. Шундай экан, фазо ва коинот архитектураси соҳасида ёш авлоднинг билим ва салоҳиятини юксалтиришга ҳаётин зарурат деб қарамоқ жоиздир. Илк сунъий йўлдош ва кейинги орбитавий лойиҳалар Ўзбекистонда ана шундай янги авлод илмий-меъморий тафаккурининг шаклланишига замин яратади. Космосга қўйилган илк қадам келажақдаги коинот архитектураси учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Шубҳасиз, мана шундай буюк мақсад мустақил Ўзбекистоннинг келажакка бўлган ишончи ва улкан орзуларининг ёрқин тимсолидир. Президент Мурожаатномасида белгиланган бу вазибалар барчамиздан бирдек масъулият, жисслик ва фидойи меҳнатни талаб этади.

Кечагина бадий саҳналарда яшаган космос ҳақидаги тасаввурлар бугун илм-фан орқали ҳаётга кўчмоқда. Демак, илк космонавт ва биринчи сунъий йўлдошни космосга учуриш Ўзбекистон учун янги тараққиёт босқичини бошлаб беради.

Шохруҳ ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари.

ФАОЛЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК

2026 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ўтган йил катта ташаббусларга йўл очди. Сиёсий саҳнада партиямиз ўз тажрибасини бойитди, позициясини янада мустаҳкамлади. Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари орқали одамлар билан елкама-елка турди. Аҳолининг дардини эшитиш, уларнинг мурожаатларига ечим топиш, қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш йўлида катта ташаббуслар илгари сурилди. Бир-биридан қизиқ ва самарали лойиҳалар асосида халқ ичига кириб борилди. Энг муҳими, йил бошида белгиланган режалар қоғозда қолиб кетмади, амалий ҳаракатлар

ва натижалар орқали одамлар, электорат вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилди, турли лойиҳалар орқали фуқаролар қалбига йўл топди.

Бугунги сарҳисоб — ана шу ишларни холисона баҳолаш, натижаларни таҳлил қилиш ва 2026 йил учун аниқ режа ҳамда мақсадларни белгилаб олишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Чунки олдимизда турган вазифалар янада масъулиятли, талаблар эса янада юқори. Янги йилда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолияти янада самарали, аҳоли манфаатига яқин бўлишига ишонамиз!

СИЁСИЙ САРҲИСОБ



ўтказилди. Бу тадбирлар орқали партиянинг ижтимоий масъулияти амалда ўз ифодасини топди.

Ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамият ҳаётига фаол жалб этиш масаласи партия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлди. Лойиҳалар доирасида 2008 нафар ногиронлиги бўлган ёшлар ва хотин-қизлар ўз маҳсулот ва ижодий ишлари билан кўргазмаларда иштирок этди. Жами 7318 та маҳсулот ва ижодий ишлар намойиш қилиниб, 826 таси аукцион савдолари орқали сотилди. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат салоҳиятини рўёбга чиқариш ва уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишда муҳим амалий натижа бўлди.

Шунингдек, 12 та “Мурувват” ва “Саховат” интернат муассасаларига амалий ёрдам кўрсатилди. 8 700 дан ортиқ ногиронлиги бўлган фуқаро билан бевосита мулоқот ўтказилиб, уларнинг муаммолари ўрганилди ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ечимлар ишлаб чиқилди.

610 нафар ногиронлиги бўлган фуқаролар истиқомат қиладиган оилаларга ташрифлар амалга оширилиб, озик-овқат маҳсулотлари, маиший техника, ногиронлар аравачалари, гигиена воситалари ва тиббий жиҳозлар етказиб берилди. 240 нафар фуқаронинг музей, театр ва маданият масканларига ташрифи ташкил этилди.

Ёшлар билан ишлаш йўналишида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. 531 нафар ёш таълим, соғлиқни сақлаш, экология, рақамлаштириш ва ёшлар бандлиги соҳаларида ўз го

ва ташаббусларини илгари сурди. 1 040 нафар ёш IT ва чет тиллари бўйича бепул ўқув курсларига жалб этилди. “Авлодлар мулоқоти” лойиҳаси доирасида 500 нафар нуроний ва ёшлар иштирокида маънавий-маърифий суҳбатлар ўтказилиб, ҳаётий тажриба ва билимлар алмашуви таъминланди.

Партия дастурий мақсад ва ҳоаяларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида 11 530 маротаба тарғибот тадбирлари ўтказилиб, 341 738 нафар фуқаро қамраб олинди. Бу тадбирлар аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш ва жамиятда ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилди.

Жорий йилда ҳам режаларимиз, мақсадларимиз жуда кўп. Худудий кенгашлар фаолияти янги босқичга кўтарилди.

2026 йилда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари олдида муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Бунда худудий кенгашлар аҳолининг манфаат ва ташаббусларини ифода этувчи таъсирчан сиёсий куч сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаши, жамият ҳаётидаги нуфузи ва таъсирини изчил ошириб бориши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Аввало, партия лойиҳа ва акцияларини ташкил этишда аниқ мақсадга йўналтирилган, ўлчовли натижаларга эга, стратегик режалаштирилган ҳамда мониторинг ва таҳлилларга асосланган ёндашуви жорий этиш устувор вазифа бўлади.

Шу билан бирга, лойиҳаларни амалга оширишда тизимлилик ва манзиллиликни кучайтиришга эътибор қаратилади.



Аббор ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
раиси ўринбосари:

– Янги Ўзбекистонда инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда, сиёсий партияларнинг жойларда олиб бораётган амалий

ишлари жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ана шу маънода, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан Сайловолди дастури ҳамда 2025 йилга мўлжалланган иш режаси доирасида амалга оширилган ишлар кўлами, қамрови ва натижадорлиги билан алоҳида эътиборга лойик.

Партиянинг Марказий ва худудий кенгашлари ўз фаолиятида тизимли ёндашув, аниқ режа ва манзилли иш услубини устувор қилиб, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, ижтимоий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли эҳтиёжларига асосланган мақсадли лойиҳаларни жорий этишга алоҳида аҳамият қаратди. Бу эса партия фаолиятини расмий тадбирлар доирасидан чиқариб, жойларда аниқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган амалий механизмга айлантирди.

2025 йилда партия ходимлари, фаоллари ва аъзоларининг сиёсий онги, таҳлилий салоҳияти,

нутқ маданияти ва рақамли компетенцияларини ошириш мақсадида 45 та ўқув-семинар ташкил этилди. Ушбу ўқувлар сунъий интеллект, рақамли бошқарув, гендер тенглиги, маҳаллий кенгашлар фаолияти, ёшлар сиёсати, ижтимоий ҳимоя каби устувор йўналишларни қамраб олди. Натижада партия кадрларининг замонавий сиёсий жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, жамоатчилик билан очик ва таъсирчан мулоқот ўрнатиш ҳамда тезкор муносабат билдириш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди.

Сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия ташаббуси билан “Депутат маҳаллада”, “Қувонч ва меҳр улашайлик”, “Саломатлик акцияси”, “Орзулар дунёси”, “Сиёсатдаги ёшлар”, “Имкон”, “Ўзоқ умр калити”, “Имконияти чексиз аёллар” каби 10 дан ортиқ ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа ва акциялар амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар доирасида жами 3243 маротаба тадбир ўтказилиб, 165124 нафар фуқаро қамраб олинди. Бу кўрсаткичлар партиянинг электорат билан бевосита ишлаш, одамлар дардига қўлоқ тутиш ва муаммоларга жойида ечим топишга қаратилган ёндашуви самарасини яққол кўрсатади.

Тадбирлар доирасида 179 та форум, 191 та ижодий танлов, 541 та интеллектуал турнир, 305 та давра суҳбати, 98 та учрашув ва мулоқот, 18 та семинар-конференция, 8 та жамоатчилик эшитиш ҳамда 662 та хайрия тадбирлари ва ҳашарлар ташкил этилди. Шу билан бирга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган 1071 маротаба тиббий саводхонлик тадбири ва 900 га яқин бепул тиббий кўриклар

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ижобий натижаларга замин бўлди

депутатлик бирлашмалари олдида долзарб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифа ва устувор мақсадларни қўймоқда. Ушбу вазифаларга дастурий мақсадларимизнинг ҳамоҳанглиги мамлакат тараққиётининг янги босқичида партия зиммасига нафақат ислохотларни қўллаб-қувватлаш, балки уларни амалга оширишда фаол иштирок этиш вазифасини юклайди.

Шундан келиб чиқиб, ижтимоий лойиҳалар асосида одамлар орасига кириб борапмиз, уларни ўйлантираётган муаммоларга ечим излаяпмиз. Хусусан, маҳаллаларнинг “Ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун маҳаллада бир турдаги ихтисослашувда фаолият юритаётган аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўтган йилда партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари томонидан 1 232 та масала партия гуруҳларида, 978 та масала доимий комиссияларда, 1 031 та масала маҳаллий Кенгашлар сессияларида кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, амалий назоратни кучайтириш мақсадида 1 028 маротаба мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди. Партия гуруҳлари томонидан жами 4 636 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 3 342 тасига жавоб олинди.

Барча минтақаларда депутатлар томонидан “Депутат маҳаллада” лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. Лойиҳа доирасида 5 мингдан ортиқ ёлғиз кексалар, боқувчиси йўқ оилалар, ногиронлиги бўлган ҳамда эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” га киритилган 3 мингдан ортиқ оила ҳолати ўрганиб чиқилди. Депутатлар томонидан фуқаробай, хонадонбай аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида 23260 маротаба учрашувлар, сайёр қабуллар

ўтказилди. Унда 500 минга яқин аҳоли қамраб олинган.

Учрашувларда 15 мингдан ортиқ муаммо ва мурожаатлар келиб тушган. Ушбу муаммоларнинг 90 фоизи депутатлар томонидан назоратга олиниб, ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик сўровлари чиқарилди. Аҳолини ўйлантираётган йўл таъмирлаш, электр энергияси, сув таъминоти, янги иш ўринларини яратишга оид масалалар ўрганилиб ижобий ҳал этилди.

Жорий йилда ҳам режалаштирилган ишларимиз жуда кўп. Масалан, партия тадбирларини ўтказишда очик мулоқотга асосланган янги форматларга кенг йўл очилади. Очик сессиялар, жамоатчилик муҳокамалари, интерактив учрашувлар орқали аҳолини қарор қабул қилиш жараёнларига фаол жалб этиш асосий мақсад бўлади.

Айни пайтда, сусткашликка йўл қўяётган худудлар фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, улар билан алоҳида “Йўл харитаси” асосида ишлаш амалиёти жорий этилади. Ҳар бир худуддан аниқ натижа талаб этилади.

Партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалий натижага айлантиришнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди. Энди гап широлар ёки ниятлар ҳақида эмас — гап ҳар бир вазиданинг одамлар ҳаётида сезиларли ўзгаришга айланиши, ҳар бир қарорнинг адолат, ижтимоий ҳимоя ва инсон манфаатига хизмат қилиши ҳақида бормоқда.

Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари йил бошиданок ўз фаолиятини жойлардаги реал муаммоларни ҳал қилиш, аҳоли манфаатларини ҳимоя этиш ва партия Сайловолди дастурида берилган ваздаларни амалда бажаришга қаратмоқда. Энди депутатлик гуруҳлари фаолияти ўтказилган йиғилишлар сони билан эмас, балки ҳал қилинган масалалар, ҳимоя қилинган фуқаролар, яратилган



Мавжуда ҲАСАНОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бошқарма бошлиғи:

– Ҳаммамиз янги йилга қадам қўйиб, ўтган йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилишимиз аниқ. Шундан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак, ўтган 2025 йил фаолиятимиз анча самарали бўлганига гувоҳ бўлиш мумкин. Айниқса, партиянинг Ҳаракат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси ҳар бир партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳи фаолиятининг асосий мезони бўлиб хизмат қилди.

Ўтган йилда Ҳаракат дастурида назарда тутилган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Дастур ижроси доирасида жамоатчилик билан мулоқотлар, депутатлик назорати, аниқ манзилли ташаббуслар орқали инсон манфаати устуворлиги таъминланди.

Албатта, эришилган натижалар билан бирга, келгусида янада фаоллик ва ташаббускорликни талаб этадиган вазифалар ҳам мавжуд. Бугунги йил сарҳисоби эса бажарилган ишларга холисона баҳо бериш, мавжуд камчиликларни таҳлил қилиш ҳамда янги йил учун аниқ режа ва мақсадларни белгилашга хизмат қилади.

Ҳаракат дастури партия ташкилотлари ва



иш ўринлари ва маҳалладаги ижобий ўзгаришлар билан баҳоланмоқда. Қисқаси, 2026 йил партия худудий кенгашлари учун мазмун, очиклик ва самарадорлик йили бўлиши, ҳар бир ташаббус ортида одамлар ишончи ва реал натижа туриши учун бор куч-ғайратимиз билан ҳаракат қиламиз.

ВА НАТИЖАДОРЛИК ҲАМ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ



**Сирожиддн ШОНАЗАРОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бўлим бошлиғи:**

- Ҳар бир мурожаат – бир инсоннинг тақдири, бир хонадоннинг умиди, бир оиланинг оғриғи. Шунинг учун мурожаатлар билан ишлаш юракдан ҳис этиладиган ишдир. Халқ демократик партияси тизимида бугун айнан шундай инсонпарвар ёндашув устувор. Жамоатчилик қабулхоналари, сайёр учрашувлар ва депутатлик сўровлари орқали минглаб фуқароларнинг масалалари ҳал этилмоқда.



АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Партия фаоллари ва депутатлар жойларда, аҳоли ичида, чекка қишлоқларгача бориб, одамларнинг мурожаатларини тинглаяпти. Сайёр қабуллар, кўчма жамоатчилик қабулхоналари орқали уйма-уй юриб, сайловчилар билан учрашиш, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш анъанага айланган. Энг муҳими, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмаяпти.

Партия қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари 2025 йилнинг 11 ойи давомида давлатнинг ижтимоий йўналтирилган сиёсати ва партиянинг дастурий мақсадлари билан узвий уйғун ҳолда фуқаролар билан очик ва тизимли мулоқотни йўлга қўйиш, мурожаатларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларнинг манзилли ва самарали ечимини таъминлашга қаратилган таъсирчан институционал механизм сифатида ўзини тўла намоён этди.

Ҳисобот даврида республика бўйича фаолият кўрсатаётган 218 та Жамоатчилик қабулхоналарига жисмоний ва юридик шахслардан жами 16 249

та мурожаат келиб тушди. Мазкур мурожаатларнинг 14 740 таси, яъни, 90 фоиздан зиёди ижобий ҳал этилгани партиянинг аҳоли мурожаатлари билан ишлашда пухта шаклланган, аниқ механизмларга таянган ва натижага йўналтирилган тизимли ёндашувга эга эканини яққол тасдиқлайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу рақамлар ортида фақат статистика эмас, балки минглаб оилаларнинг йиллар давомида ечимини кутиб келган муаммолари бартараф этилгани, фуқароларнинг давлат ва партияга бўлган ишончи мустаҳкамлангани ҳамда жамият ҳаётида реал ижобий ўзгаришлар рўй берганини англатади.

Олиб борилган таҳлиллар мурожаатларнинг мазмунни жамиятдаги энг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни яққол акс эттираётганини кўрсатади. Жумладан, мурожаатларнинг асосий қисми аҳолининг кундалик турмуш шароити, ижтимоий ҳимоя ва барқарор даромад манбаларини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга тўғри келмоқда.

2026 йилга катта мақсадлар билан қадам қўйдик. Жорий йилда жойлардаги депутатлар ва депутатлик гуруҳлари ўз ишини бир нечта устувор йўналишларда ташкил этади.

Аввало, партия электорати вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш депутатлар фаолиятининг асосий сиёсий вазифаси этиб белгиланди. Шу мақсадда жойларда давлат ижтимоий дастурлари ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назорати кучайтирилмоқда. Депутатлик гуруҳлари ҳудудлар кесимида ижтимоий муаммоларни тизимли ўрганиб, қайси маҳаллада қандай муаммо борлиги ва қаерда иш ўрни яратиш мумкинлиги бўйича аниқ манзилли иш режаларини ишлаб чиқмоқда.

Ҳар бир депутатлик гуруҳи 2026 йил давомида ўз ҳудудидаги энг долзарб муаммолар рўйхатини шакллантириб, улар бўйича масъул идоралар ва ижро муддатлари белгиланган иш режалари асосида фаолият олиб боради.

Депутатлик сўровлари ва масъулларнинг ҳисоботларини эшитиш каби депутатлик ваколатларидан самарали фойдаланиш амалиёти кучайтирилмоқда. Аниқ муаммолар бўйича тегишли идораларга мақсадли депутатлик сўровлари юборилиб, уларнинг жавоблари жамоатчилик иштирокида очик муҳокама қилинади, ижроси қатъий назоратга олинади.

“Депутат маҳаллада” лойиҳаси янги мазмун билан давом эттирилиб, у маҳаллада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш ва муаммоларга тезкор муносабат билдиришнинг самарали платформасига айланмоқда.

Партия ғоялари ва дастурий мақсадларни аҳолига очик ва тушунарли етказиш, очик мулоқот орқали ишончни мустаҳкамлаш депутатлик гуруҳларининг доимий вазифаси бўлиб қолади.

Қисқаси, 2026 йил партия учун навбатдаги режаларни тузиш йили эмас, балки халқ олдида олган мажбуриятларни амалий натижага айлантириш йилидир. Энди ҳар бир сўз иш билан, ҳар бир ваъда натижа билан, ҳар бир қарор эса одамлар ҳаётидаги ижобий ўзгариш билан тасдиқланиши шарт.

ЕТУК КАДРЛАР — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ



**Фахриддин ЭЛМУРОДОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ташкилий-назорат ва
кадрлар билан ишлаш
бошқармаси бошлиғи:**

– Орта қолган 2025 йилда партия пленуми, Ижроия қўмитаси ҳамда Ҳайъат йиғилишларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш, аъзолар ва электорат билан ишлаш, партия ташкилотларида иш сифат ва самарадорлигини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш масалаларига қаратилган 168 та қарор қабул қилинди.

Аҳоли ва сайловчиларнинг партияга нисбатан хайрихоҳлиги ва ишончини оширишга қаратилган амалий ишлар натижасида ўтган йилда партиямиз билан бир сафда бўлишни истagan минг-минглаб фуқаролар аъзоликка қабул қилинди.

Муҳим жиҳати, партиямиз аъзолари таркибида ёшлар улushi 2024 йилда 291 000 нафар (38 фоиз)ни ташкил этган бўлса, 2025 йил охирига келиб 486 000 нафар (39 фоиз)га етди.

Бошқарма ташаббуси билан янги ишга қабул қилинган кадрлар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман (шаҳар) кенгашлари фаолияти учун услубий қўлланма тайёрланиб, амалиётга татбиқ этилди.

Партия ташкилотларининг фаолият натижалари самарадорлигини баҳолаш мақсадида 2025 йилнинг биринчи ярими якунлари бўйича рейтинг ўтказилиб, партиямиз Ижроия қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Жойларда ходимларнинг касбий билим ва малакасини, иш

самарадорлигини янада ошириб бориш мақсадида меҳнат қонунчилиги асосида режали ўқувлар, интерактив семинар-тренинглр мунтазам ўтказилмоқда.

Жорий йилда ҳам олдимизда муҳим вазифалар турибди.

Шу муносабат билан ташкилий-назорат тизимини янада мустаҳкамлаш, партия ташкилотлари фаолияти устидан доимий, тизимли ва натижага йўналтирилган мониторинг йўлга қўйлади. Ҳудудий ташкилотларнинг йиллик ва чораклик иш режалари ижроси юзасидан аниқ мезонлар асосида баҳолаш амалиётини жорий этиш, таҳлил натижаларига кўра эса аниқ хулосалар ва таъсирчан чоралар кўриш амалиётини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Шунингдек, формал ҳисоботлардан воз кечиб, ҳар бир ташаббус ва амалий ишнинг ҳақиқий самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Кадрлар йўналишида эса партия тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг касбий салоҳияти, шахсий масъулияти ва ташаббускорлигини баҳолашнинг шаффоф ва адолатли механизмларини жорий этиш устувор аҳамият касб этади.

Шу билан бирга кадрлар захирасини шакллантириш ва янгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, ёш, билимли ва замонавий фикрлайдиган мутахассисларни аниқлаш, уларни тайёрлаш ва раҳбарлик лавозимларига босқичма-босқич жалб этиш тизимини такомиллаштиришни режалаштирдик. Бу борада ўқув-семинарлар, малака ошириш курслари ҳамда тажриба алмашуви дастурларини амалга ошириш орқали кадрларнинг сиёсий саводхонлиги ва амалий кўникмаларини ошириб бориш диққат марказимизда туради.

Ҳар бир ҳудудий кенгашда партиянинг сиёсий позициясини очик ифода эта оладиган, нотиклик маданияти ва интервью бериш кўникмаларига эга бўлган спикерлар ва фаолларни мақсадли тайёрлаш, уларнинг медиа саводхонлигини ошириш устувор вазифа этиб белгиланди.

Раҳбар ва масъул ходимлар билан мақсадли ўқув, қайта тайёрлаш ва шахсий жавобгарликка асосланган иш тизими йўлга қўйлади.

СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯ КЎРСАТИЛМОҚДА



**Аҳмад ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот
хизмати бошқармаси бошлиғи:**

қувватлаб, ўз изоҳларини билдирди.

Биргина мазкур кўрсаткич ҳам партия сиёсий фаолиятида ўсиш бўлганини кўрсатмоқда.

Шунингдек, мамлакатда юз бераётган, фуқаролар ҳаётига бевоcита дахлдор бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар муҳокамасига бағишлаб “Мунозара клуби” ташкил этилди. Ушбу мулоқот майдонида тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, мутасадди ташкилот вакиллари, экспертлар ҳамда халқ вакиллари бир даврада ўтириб, ҳаётимизда дуч келаётган ўткир муаммолар, ечимини кутаётган масалаларни юзма-юз муҳокама қилмоқда.

Бугунгача клубнинг 5 та сессияси ўтказилди. Уларда таълим тизими ва унинг истиқболлари, уй-жой ва мулк ҳуқуқлари, ногиронларнинг ҳуқуқ-манфаатлари, уларга яратилаётган имкониятлар, шунингдек, давлат тили ҳамда миллатларaro ҳамжиҳатлик масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, пресс клуб муҳокамалари ёритилган 45 та видеоматериаллар ижтимоий тармоқларда 4 миллиондан ортиқ кўрилди.

Умуман олганда, ниҳоясига етган 2025 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий майдонда фаоллашди. Ҳар бир долзарб ижтимоий-сиёсий жараёнга қатъий позиция билдириб, партия электорати манфаатини ҳимоя қилди. Лекин, ўсиш, ўзгариш бўлаётган жойда муаммо ва камчиликлар ҳам кўзга ташланади.

Шу сабабдан 2026 йил учун ўз олдимизга бир қатор вазифаларни белгилаб олдик. Жумладан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз фаолиятини, сессияларда партия позицияси қандай ҳимоя қилинишини, жамиятимизда кенг муҳокама этилаётган масалалар хусусида депутатларимиз ва фаолларимизнинг фикр-мулоҳазаларини таъсирчан тарзда ёритиб бориш, долзарб масалалар бўйича мунозара жараёнларини ташкил этиш зиммамизга катта масъулият юклайди.

Қисқаси, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар билан ишлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиши шарт. Партия позициясини аҳолига аниқ, ишончли ва тезкор етказиш, ахборот майдонида фаол ва ташаббускор бўлиш 2026 йилнинг муҳим талабларидан бирига айланди. Бу йил партия ҳудудий кенгашлари учун мазмун, очиклик ва самарадорлик йили бўлиши, ҳар бир ташаббус ортида одамлар ишончи ва реал натижа туриши керак, деб ҳисоблайман.

**“Ўзбекистон овози” мухбири
Лазиза ШЕРОЗА Ёзиб олди.**

САНОАТДАН ИНФРАТУЗИЛМАГАЧА: ЖИЗЗАХНИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Аввало, хизмат кўрсатиш тармоқлари анча илғор. Саноат тармоғидаги янги йўналишлар ҳамда қишлоқ хўжалиги тизимида маҳсулот етиштириш, чуқур қайта ишлаш ва экспортга йўналтиришда катта қадамлар ташланяпти. Базальтдан замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхона дейсизми ёки автомобиль заводими, ҳаммаси Жиззахга янги инвестициялар ҳамда инвесторларни жалб қилиш имконини оширмоқда. Бу ўз навбатида аҳоли турмуш шароити ўсишига хизмат қилади, албатта.

АВТОМОБИЛСОЗЛИК: МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН ЖАҲОН БОЗОРИГА

Жиззах — нафақат тарихий вилоят, балки сўнгги йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг ҳақиқий марказларидан бирига айланияпти. Бу ерда нафақат йўллар узаймоқда, заводлар очилмоқда, балки одамларнинг кундалик ҳаёти ҳам сезиларли даражада ўзгармоқда.

Дастлаб фақат қисмлар йиғиш ёки кичик корхоналар бўлса, ҳозир эса ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни ўзгартирувчи йирик заводлар пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 18 мартдаги қарори асосида ташкил этилган “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ ҚК ишлаб чиқариш фаолиятини жадал суръатларда олиб бормоқда.

**Азизбек МУҲИТДИНОВ,
“BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ
қўшма корхонаси бош директори:**

- 2025 йилда заводда 20,1 минг дона гибрид автомобиль ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 5 баробарга ошган. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ҳам сезиларли ўсиб, 2024 йилдаги 8 фоиздан 2025 йилда 40 фоизга етди. 2026 йилга келиб ушбу кўрсаткични 85–90 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш йўналишида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда республикада жойлашган 7 та корхонада 60 турдан ортиқ бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2024 йилда маҳаллийлаштириш даражаси ўртача 15 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йил якунида корхона маҳаллийлаштириш кўрсаткичини ошириб, СТ-1 сертификатини қўлга киритди.

Бамперлар, ойналар, ички ва ташқи пластик қисмлар, салон томи ва пол элементлари, ўриндиклар, изоляторлар, шасси қисмлари ҳамда пластик ёқилги бакларининг оммавий ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Барча маҳаллийлаштириш лойиҳалари белгиланган муддатларда амалга оширилди.

Маҳаллийлаштиришнинг иккинчи босқичи доирасида Хитой томони билан 100 га яқин қўшимча детал бўйича иқтисодий таҳлил ишлари бошланди. Шулардан 54 та бутловчи қисм бўйича лойиҳаларни амалга оширишга рухсат олиниб, ишлар бошлаб юборилди.

Лойиҳа концепциясига мувофиқ, қўшма корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 200 минг донага етказилгандан сўнг, автомобиль аккумулятор батареяларини Ўзбекистонда йиғиш режалаштирилган.

Шунингдек, ишлаб чиқарилган автомобилларни ташқи бозорларга олиб чиқиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

**Шавкатбек АЛИМОВ,
“BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ
қўшма корхонаси бош директори
ўринбосари:**

- Ҳозирда Жиззах вилоятида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган “BYD” автомобилларини экспорт қилиш учун зарур бўлган сертификатлаштириш жараёнлари олиб борилмоқда. Хусусан, Жиззахдаги “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ ҚК заводида “Bureau Veritas Tashkent” сертификатлаштириш органи томонидан сифат менежменти тизимининг аудити ўтказилди. Аудит натижаларига кўра, корхона ўтган йилнинг 18 апрель санасида “ISO 9001:2015” халқаро стандарти бўйича сертификатга эга бўлди.

Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарилган автомобилларни қўшни мамлакатларга экспорт қилишда айрим божхона тўловларидан озод бўлиш имконини берувчи “СТ-1” сертификати қўлга киритилди.

Ҳозирга келиб, қўшма корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобилларни Қозоғистон бозорига олиб кириш мақсадида “BYD” компаниясининг Хитойдаги Омологация бўлими билан ҳамкорликда “СОР” (“conformity of production” – ишлаб чиқаришнинг мувофиқлиги) сертификати олинди.

Эндilikда, ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун амалда мавжуд бўлган “БМТ ЕИК” қоидалари асосидаги сертификатларга корхона номини киритиш ишлари “BYD” компаниясининг Хитойдаги Илмий-тадқиқот маркази (R&D Center) томонидан бошланган. Шундан сўнг, “BYD” автомобилларига Қозоғистон бозори учун ТВТМ (ОТТС) ҳужжати олиниши режалаштирилган.

Шу билан бир қаторда Тожикистон, Озарбайджон, Туркменистон каби қўшни давлатларга автомобиллар экспортини йўлга қўйиш бўйича хорижий ҳамкор

““

ЖИЗЗАХ — НАФАҚАТ ТАРИХИЙ ВИЛОЯТ, БАЛКИ СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНЯПТИ. БУ ЕРДА НАФАҚАТ ЙЎЛЛАР УЗАЙМОҚДА, ЗАВОДЛАР ОЧИЛМОҚДА, БАЛКИ ОДАМЛАРНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИ ҲАМ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ЎЗГАРМОҚДА.

билан музокаралар олиб борилмоқда. Шундай қилиб, заводнинг келгуси режалари катта. Демак, нафақат оддий автомобиллар, балки келажак технологиялари ҳам Жиззахда пайдо бўлади.

Бу инсон ҳаётига қандай таъсир кўрсатади? Бу ерда ёшлар автомонтаждан тортиб, робототехника ва инженерияни ўргана бошлади. Бундай билимлар уларни нафақат заводда замонавий ускуналар билан ишлайдиган,

балки бутун дунёда рақобат қиладиган мутахассисларга айлантиради.

Бу рақамлар фақат иқтисодий кўрсаткичлар эмас, балки оддий одамлар ҳаётининг сезиларли ўзгариши демакдир. Масалан, ёшлар инженерлик ва робототехника соҳасида билим олиб, ўз оиласи учун барқарор даромад топиши мумкин.

ТОҒ-КОН САНОАТИ: ТАБИАТДАН ИЛҲОМЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ КУЧ

Бугун Жиззахликлар билан гаплашсангиз, кимдир янги қазилма лойиҳалар ҳақида гапирди, кимдир эса ўзининг янги иш жойи ҳақида. Бу ислохотларнинг ҳаётда бўй кўрсатаётганига ишора, бу оддий одамларнинг ҳаёти ўзгараётгани, уларнинг оиласи учун янги имкониятлар яратилаётгани демакдир.

**Ўрал ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон
саноати ва геология вазирининг
ўринбосари:**

– Вилоятда олтин, вольфрам, кўрғошин ва бошқа маъданлар қазиб олинади, бу эса республика экспорти ва саноати учун



катта қўшимча маблағлар яратади. Чунки бу маъданлар нафақат маҳаллий саноат, балки республика экспорти учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Мисол учун, кейинги йилларда 1 000 тонна вольфрам қазиб олиниши лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу эса халқаро бозорда катта даромад келтириши мумкин. Олтин ва кўрғошин конларидан олинadиган маҳсулотлар саноат ва технологик тармоқлар учун асосий хом ашё ҳисобланади.

Жиззах вилоятида тоғ-кон саноати ва геология фақат табиий бойликларни аниқлаш ва ўзлаштириш билан чекланмай, балки ҳудудларни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган стратегик йўналишга айланди.

Ҳудудда 187 та фойдали қазилма конлари аниқланган бўлиб, 150 дан ортиқ конга фойдаланиш учун рухсатномалар берилган. 2025 йилда 15 та геология-қидирув лойиҳаси амалга оширилиб, 250 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Вилоятда 3 мингдан ортиқ эксплуатация қудуқлари орқали ҳар куни 260 минг куб метрдан зиёд сув олиниб, аҳоли ва саноат эҳтиёжлари қондирилмоқда. 140 дан ортиқ кузатув қудуқлари орқали ер ости сувлари доимий равишда назорат қилиб борилмоқда.

Тоғ-кон саноатида очиклик ва шаффофлик жорий этилиб, 2025 йилда 10 дан ортиқ кон ва участкалар “E-auction” орқали реализация қилинди. 20 дан ортиқ янги кон ва участкалар тадбиркорларга тақдим этилиши режалаштирилган.

Вилоятда металл ва қимматбаҳо қазилмалар, жумладан, вольфрам, олтин, кўрғошин-рух ва уран соҳаларида ҳам кенг имкониятлар мавжуд. Масалан, Ғаллаоролда “Қўйтош” вольфрам кони, Форишда кўрғошин-рух кони, уран йўналишида бурғилаш ишлари аллақачон бошланган.

Саноат инфратузилмасини ривожлантириш, хусусий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ўсади, янги иш ўринлари яратилади ва аҳоли турмуш даражаси яхшиланади.

Шу тариқа, Жиззах вилоятида тоғ-кон саноати ва геология соҳасида олиб бориладиган ишлар нафақат бойликлардан самарали фойдаланиш, балки ҳудудларнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини

таъминлашга қаратилган стратегик ҳаракат ҳисобланади.

Жиззахнинг тоғ-кон саноати – фақат саноат эмас, ҳаётий қувватдир. У одамларга иш топиш, оиласи учун даромад топиш ва келажакни қуриш имкониятини беради.

ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ РИВОЖИ

Ўтган йилда Жиззах вилоятида транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Вилоятда транспорт хизматлари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,5 фоизга ўсиб, 2,4 трлн сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушни 3,9 фоиздан 4,2 фоизга, жами хизматлар таркибидаги улушни эса 10,9 фоиздан 12 фоизга оширди.

**Раҳматилло БАБАЕВ,
Транспорт вазирлиги Жамоат
транспорти бошқармаси бошлиғи:**

- Жамоат транспорти соҳасида 22 та янги йўналиш ташкил этилди, 46 та аввал қамраб олинмаган аҳоли пункти қўшилди ва қамров даражаси 99,5 фоизга

етди. Вилоятда маҳаллий тадбиркорлар томонидан 101 та экологик тоза автобус олиб келинди, Жиззах шаҳрида 11 та янги йўналиш йўлга қўйилди. Шунингдек, шаҳарда автобуслар ҳаракатига устуворлик бериш учун 9,6 км алоҳида йўлаклар барпо этилди.

Вилоятда жами 9 та автостанция ва 535 та оралик автобус бекатлари мавжуд бўлиб, ўтган йилда 15 та янги бекат қурилди ва 17 та бекат тўлиқ реконструкция қилинди. 2026 йилда 84 та янги автобус бекати ва 2 та автотурагоҳ барпо этиш режалаштирилган.

Темир йўл тармоғи 464,1 км узунликда бўлиб, 296,7 км электрлаштирилган. Ўтган йил давомида станциялар орқали 7,5 млн тоннадан ортиқ юк ташилди ва 160 минг нафардан ортиқ йўловчи хизматдан фойдаланди. Шунингдек, “Зомин технопарки” махсус саноат зонасига 4,83 км шохобча темир йўл қурилди. 2026 йилда “Ховос–Даштобод” йўналишида 28 км электрлаштирилган линия қурилиши режалаштирилган.

Фуқаро авиацияси соҳасида Тошкент–Зомин йўналишида ҳафтасига 7 та авиақатнов амалга оширилди. Ёз мавсумида Зомин–Самарқанд ва Зомин–Бухоро йўналишларига ҳам парвозлар ташкил этилади, 2026 йилда Арнасой аэропорти фаолияти йўлга қўйилади.

Йўл хўжалигида 1239 км автомобиль йўллари таъмирланди ва реконструкция қилинди. Жумладан, 35,5 км йўл ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида таъмирланди. Умумий фойдаланишдаги 527 км йўл техник ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилди.

Умуман, амалга оширилган ишлар Жиззах вилоятида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли учун қулай ва хавфсиз ҳаракатни таъминлаш ҳамда иқтисодий фаолликни оширишга хизмат қилмоқда.

Чунки бу орқали қишлоқ ва шаҳарлар орасидаги савдо, хизмат ва иш жойлари ривожланияпти.

Шу маънода, Жиззахда транспорт инфратузилмаси — бу фақат йўл ва темир излар эмас. Бу — фуқароларга муносиб шароит яратиш, янги иш ва имкониятлар, иқтисодийнинг ривожланиши ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишдир.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**





ИНСОН ҚАДРИ – ЭНГ ОЛИЙ ТАМОЙИЛ



ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Агар беш йил олдин сайёраимизда 650 миллион аҳоли камбағалликда яшаган бўлса, ҳозирга келиб улар сафи 800 миллион нафардан ортган. Камбағалларнинг ярмидан кўпи 18 ёшгача бўлган болалар экани, юз миллионлаб инсонларнинг тегишли уй-жойи ҳам йўқлигини ҳисобга олсак, бу умумбашарий муаммо экани ойдинлашади.

Мана шундай даврда Ўзбекистоннинг, сал аввал таъкидлаганимиздек, халқ фаровонлигини таъминлашга, ижтимоий сиёсат самарадорлигини кучайтиришга интилаётгани ҳар қандай кишида мамнунлик, дахлдорлик ҳиссини ҳосил қилади. Бинобарин, Жаҳон банкининг эътирофича, юртимиз камбағаллиқни қисқартириш соҳасида энг юқори натижага эришаётган давлатлар сирасига қиради.

Яхши эслаймиз, яқин йилларгача “камбағаллик” сўзи деярли тилга олинмас, ўша даврда гарчи 20 фоиздан ошиқ аҳолининг даромади қашшоқлик чегарасига ҳам етмаса-да, ушбу қатлам ҳақида сўз борганда, “эҳтиёжманд оилалар”, “кам таъминланган”, “боқувчисини йўқотган” каби иборалар билан кифояланар эдик. 2020 йили давлат раҳбари жамиятимизда камбағаллик мавжудлигини очик-ошкора қайд этди. Шу палладан бошлаб қисқа вақт ичида камбағаллиқни қисқартириш тушунчаси умумхалқ ҳаракати босқичига чиқди. Мазкур соҳада амалиётга тизимли татбиқ қилинган трансформация дастурлари самарасида камбағаллик даражаси 2024 йилда 8,9 фоизга тушди. 2025 йилда бу рақам янада сезиларли пастлади – 5,8 фоиз!

Бугун амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётида неқбин ўзгаришларга туртки бермоқда. Инсон қадри энг олий тамойил экани кенг қамровли ислохотларда ўз ифодасини топмоқда.

–Эътиборли жиҳати, маҳаллабай ишлаш тизимига ўтилгач, бирорта ҳам оиланинг эътибордан четда қолмаслиги таъминланди, – дейди Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Камбағаллиқни қисқартириш сиёсатини юритиш ва ҳоким ёрдамчилари фаолиятини комплекс мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи Мухтор Шоназаров. – 9 мингдан ортиқ маҳаллада “маҳалла еттилиги” ташкил этилган боис аҳоли ва раҳбарлар ўртасидаги мулоқот энгиллашди.



Ҳар бир маҳаллада туман ҳокимининг вакили – ҳоким ёрдамчилари фаолият олиб бораётгани ҳам ижтимоий сиёсат шиддатини янада оширди. 2025 йил 11 ойи ҳолатига кўра, ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллаларда 1,3 млн нафар фуқаро даромадли меҳнат билан бирга ҳар бир маҳаллада 10 тадан, жами 94 мингта хонадон даромадини 60–70 млн сўмгача оширишга қаратилган «лойиҳа пакетлари» тақдим қилинди. “Сайхунобод тажрибаси” асосида 400 мингдан зиёд микролойиҳа ишга туширилди. «Камбағал оилалар реестри»га киритилган 463 мингта оила (2 млн аҳоли) га индивидуал асосда даромадни оширишга қаратилган хизматлар кўрсатилди.

Яратилган имкониятлар ҳисобига 7 мингта маҳалла мевасабзавот, гулчилик, асаларчилик, тикувчилик, мебелсозлик, савдо ва сервис каби 15 та йўналишга ихтисослашди. Минглаб оилалар меҳнати ва омилкорлигига яраша даромад топиш имкониятига эга бўлди.

Еттита устувор йўналишни ўз ичига олган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури эса ижтимоий ислохотларнинг манзиллилиги ва натижадорлигини таъминламоқда.

Доимий иш ўринларини кўпайтириб, одамлар барқарор даромад манбасига эга бўлиши учун шароит яратилаётгани,

“**ЯХШИ ЭСЛАЙМИЗ, ЯҚИН ЙИЛЛАРГАЧА “КАМБАҒАЛЛИК” СЎЗИ ДЕЯРЛИ ТИЛГА ОЛИНМАС, ЎША ДАВРДА ГАРЧИ 20 ФОИЗДАН ОШИҚ АҲОЛИНИНГ ДАРОМАДИ ҚАШШОҚЛИК ЧЕГАРАСИГА ҲАМ ЕТМАСА-ДА, УШБУ ҚАТЛАМ ҲАҚИДА СЎЗ БОРГАНДА, “ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР”, “КАМ ТАЪМИНЛАНГАН”, “БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН” КАБИ ИБОРАЛАР БИЛАН КИФОЯЛАНАР ЭДИК.**

давлат хусусий секторни қўллаб-қувватлаётгани, IT, сунъий интеллект, финтех каби юқори даромад келтирадиган соҳаларда стартаплар экотизими шакллантирилаётгани Ўзбекистонда камбағаллиқни қисқартиришда муҳим йўналишлардан бирига айланди. Сифатли таълим асосида инсон капиталини ривожлантириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, тиббий хизматни яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам билан манзилли ишлаш жараёнларининг жадаллашуви ўз маҳсулини бермоқда.

Худудларда инфратузилмани замон талаблари даражасига келтириш, одамларга яшаш учун қулай шароитларни муҳайё қилиш кўп ўлчовли камбағаллиқни қисқартиришда ҳаётий заруратдир. Шу мақсадда шароити оғир юзлаб маҳаллаларда инфратузилмани ривожлантириш чоралари қўрилатир.

Қулай ишбилармонлик муҳити ҳисобига ўтган саккиз йилда 700 минг тадбиркор ўзининг барқарор бизнесига эга бўлди. Эътиборлиси, давлат бизнесга шароит яратиб беряпти, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишли ва даромадли қилишда кўмак бермоқда. Бунинг самараси ўларок, 2025 йилда 270 мингдан зиёд камбағал оила аъзоси доимий иш билан таъминланди.

Мамлакатимизда камбағаллиқни қисқартириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш бўйича халқаро ташкилотлар ва нуфузли молия институтлари билан фаол иш олиб борилмоқда. Бу борада Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда мамлакатимиз қишлоқ жойларида, айниқса, чекка, олис манзилларда яшаш шароитини яхшилаш, йўл қурилиши, тиббиёт ва таълим хизматларини кенгайтириш бўйича 5 миллиард долларлик лойиҳалар тузилгани аҳамиятга молик.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, “Камбағал оилалар реестри”нинг жорий қилиниши мазкур оилалар билан самарали ишлаш имкониятини бермоқда. Яъни, ушбу реестр эҳтиёжманд қатламни ижтимоий-иқтисодий йўналишда қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш ва имтиёзлар яратишда қўл келяпти.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Хитой тажрибаси асосида камбағаллиқни қисқартириш бўйича 32 та йўналишдаги янги ёндашувларнинг амалиётга йўналтирилиши ҳам камбағаллиқни қисқартириш саяё-ҳаракатларини юқори поғонага олиб чиқди. Янги ёндашувлар доирасида банклар кўмағида “Компания – кооператив – деҳқон хўжалиги” тамойили асосида 484 та кооператив ташкил этилиб, 16 минг нафар камбағал оила аъзолари жалб қилинди. 740 та оғир маҳаллада нодавлат оилавий боғчалар очилди, камбағал оила фарзандларининг қизиқишлари асосида 153 минг ўқувчи қўшимча тўғарақларга қатнамоқда.

Бундан ташқари, “Камбағал оилалар реестри”даги 503 минг нафар фуқаро билан “ижтимоий шартномалар” имзоланди. Реестрдаги 2 млн 300 минг

нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилиб, 240 минг нафари амбулатор, 23 минг нафари стационар шароитда даволанди.

Аҳолининг бандлигини таъминлаш, камбағалликка тушиб қолиш хавфи мавжуд қатламлар – ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг биринчи галда тобора рақобат муҳитига кириб бораётган меҳнат бозорида ўз ўрнини топишига кўмаклашиш долзарб аҳамиятга эга. Бу борада йўлга қўйилаётган қатор дастурлар қутилган натижани бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

– Жамиятдаги яна бир қатлам – вақтинча ишсизларни ҳам қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари давр талаблари асосида такомиллаштирилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз, – дейди Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Аҳоли бандлиги департаменти бошлиғи ўринбосари Мурод Муҳаммадиев. – Хусусан, уларга ишсизлик нафақасининг тайинланиши нафақат моддий кўмак, балки турмуш шароитларини издан чиқармаслик учун маънавий-руҳий мадад бўлиб хизмат қилмоқда. Нафақа тайинлаш жараёни рақамлаштирилгани эса тизимда инсон омилини минималлаштириб, турли бюрократик ва коррупцион хавф-хатарларнинг олдини олмақда.

Шу ўринда 2025 йил 1 ноябрдан ишсизлик нафақаси бериш тартибига муайян ўзгаришлар киритилганини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Президентимизнинг “Меҳнат муносабатлари ва касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда иш берувчиларни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра, ишсизлик нафақаси фақат меҳнат шартномаси бекор қилинган шахсларга тўланади. Бунда нафақа сўнгги 5 йилда камида 18 ой ишлаган шахсларга меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг улар 6 ой ичида мурожаат этгандан, охириги 18 ойлик ўртача иш ҳақи ҳисобидан 3 ой давомида бериб борилади. 1-ойда ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизи, 2–ва 3– ойларда эса ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, лекин меҳнатга ҳақ тўлашдаги энг кам миқдорнинг 3 бараваридан ошмаган ҳажмда тўланади.

Ишсизлик нафақасини тақдоран белгилашда дастлабки тайинланган нафақани олиш муддати тугагандан сўнг қўшимча равишда камида 12 ойлик иш стажы талаб этилишини эътибордан соқит қилмаслик керак.

Экспертлар бугунги кунда Ўзбекистон давлат харажатларининг 70 фоиздан ортигини айнан Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун сарфлаётганини юқори баҳолайдилар. Ўзбекистоннинг бу соҳада халқаро мажбуриятларни муддатидан олдин бажариб, 2030 йилга қадар камбағаллиқни тубдан бартараф этишни мақсад қилаётгани, Конституцияда белгилаб қўйилган ижтимоий соҳадаги мажбуриятларини уddалашга интилаётгани мамлакат тараққиётининг шиддатини кўрсатади.

Фарида МАҲҚАМОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ЯНГИ ТИЗИМ



Мамлакатимизда 2026 йилнинг 1 январидан давлат ижтимоий суғуртасининг янги тизими ишга тушди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига кўра, 2025 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонун ижроси доирасида янги тизим аҳолининг барча банд қатламини қамраб олиб, давлат томонидан қуйидаги суғурта тўловлари босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда:

- Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси — туғуруқдан олдинги ва кейинги давр учун (1 январдан йўлга қўйилди);
 - Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) нафақаси — ходим касаллик сабаб меҳнатга лаёқатсиз бўлган давр учун (1 июлдан тўланади);
 - Ишдан бўшатиш нафақаси — ходим ишдан бўшаган ҳолатларда (2030 йил 1 январдан).
- Илгари бу тўловлар кўп ҳолларда иш берувчилар ҳисобидан амалга оширилган. Оқибатда хусусий секторда ишловчи кўплаб ходимлар, айниқса, аёллар ижтимоий кафолатлардан тўлиқ фойдалана олмаган. Янги тизим бундай тенгсизликни бартараф этиб, ижтимоий адолатни

ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАСИ КИМЛАР УЧУН МАЖБУРИЙ?

таъминлашга хизмат қилади.

Фуқаролар давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий ҳамда ихтиёрий асосда қамраб олинади. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимлар; юридик шахсларнинг раҳбарлари сифатида фаолиятни амалга оширадиган фуқаролар; юридик ёки жисмоний шахслар билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий ҳусусиятга эга шартномалар асосида хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш ёки интеллектуал мулк объектларини яратиш бўйича ишларни бажарадиган фуқаролар мажбурий суғурталанадилар.

Ўзини ўзи банд қилганлар; якка тартибдаги тадбиркорлар; юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширадиган фуқаролар; чет элда ёлланиб ишлаётган шахслар; деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчилар ва уларнинг аъзолари; томорқа хўжалигида ишловчилар; «Хунарманд» уюшмаси аъзолари ихтиёрий суғуртага жалб қилинади.

Ижтимоий суғурта орқали тайинланадиган нафақалар стажга қараб

ҳисобланади. Бунда ходимнинг иш стажига мутаносиб равишда ўртача ойлик иш ҳақига қуйидаги стаж коэффиценти қўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси бўйича:

- 10 ойдан 24 ойгача — 75 фоиз;
- 25 ойдан 60 ойгача — 85 фоиз;
- 60 ойдан ортиқ бўлганда — 100

фоиз.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси бўйича:

- иш стажи 6 ойдан 8 йилгача бўлса — ўртача иш ҳақининг 60 фоизи;
- иш стажи 8 йилдан ортиқ бўлса — ўртача иш ҳақининг 80 фоизи.

• имтиёзли тоифалар учун эса стаж коэффиценти 20 фоиз бандга оширилади. Яъни, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлганлар, қарамоғида 18 ёшга тўлмаган 4 ёки ундан ортиқ фарзанди борлар ёки фарзандларидан камида бирида ногиронлиги бўлган суғурталанган шахсларга нафақа юқорироқ миқдорда ҳисобланади. Масалан, 60 фоиз ўрнига 80 фоиз, 80 фоиз ўрнига 100 фоиз тайинланиши мумкин.

Нафақаларни тайинлашда фуқаролардан ҳужжат йиғиш, идораларга бориш ёки ариза топшириш талаб этилмайди. Барчаси электрон шаклда амалга оширилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

ҲАМКОРИМИЗ

ИҚТИСОДИЁТДА ЭНГ КАТТА КАПИТАЛ – БУ ИШОНЧ

Худди шундай! Ишонч иқтисодиётда асосий капиталдир. Чунки ишонч бўлган жойда сармоя оқими пайдо бўлади, инновацион ривожланиш, адолатли рақобат шаклланади. Ишонч йўқ жойда эса бунинг аксини кўрамиз. Шу маънода коррупцияга қарши кураш биз учун шунчаки «компания» ёки бир марталик тадбир эмас, бу корхона бошқарувида асосий тамойил, кундалик қарорларимизнинг мезони ҳисобланади.



Коррупция биринчи галда адолатни емиради. У ҳалол меҳнат қилаётган одамларнинг ишончини синдиради, истеъдодлар йўлини тўсади, ҳалол рақобатни бузади. Энг ачинарлиси, коррупция «меъёр»га айланганда жамиятда «олди-бердиси иш битмайди» деган хавфли кайфият пайдо бўлади. Биз айнан шу қарашни синдиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шу боис корхонамизда коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги ишлар тизими ёндашув асосида кучайтирилди.

Хусусан, комплаенс хизмати тузилмаси такомиллаштирилди. Корхонада ISO 37001 (Коррупцияга қарши бошқарув тизими) ва ISO 37301 (Комплаенс бошқарув тизими) стандартлари талабларига мувофиқ Коррупцияга қарши курашиш ва хорижий нормаларга риоя этиш ҳамда Ички хавф-

хатарларни мониторинг қилиш бошқармалари ташкил этилди.

Бу ўзгаришлардан англаш мумкинки, коррупцияга қарши курашиш энди фақат «чақирик» эмас, балки аниқ ваколатлар, жараёнлар, назорат ва масъулият тизими билан ишлайдиган бошқарув механизмидир. Ҳар бир йўналишда хавфларни олдиндан кўриш, профилактик тадбирларни ва шаффофликни кучайтириш, қонунбузилишларга нисбатан муросасиз муносабат устуворлик касб этмоқда.

Комплаенс ва адолатли рақобат бир-биридан ажралмас тушунчалар. Соғлом рақобат - бу нарх ёки таклифлар эмас, балки ҳалол қоидалар кураши. Қоидалар ишлаган жойда монополия ва манфаатлар тўқнашуви чекланади, таниш-билишчилик ўрнини профессионал масъулият эгаллайди, харидлар ва шартномаларда шаффофлик кучаяди. Биз айнан шуни

хоҳлаймиз: корхонамизда ҳар қандай қарор «ким»га эмас, «нима»га асосланиши керак!

Шу нуқтаи назардан комплаенс хизмати мутахассислари томонидан корхонамизда коррупцияга қарши курашиш маданиятини шакллантириш мақсадида доимий равишда ўқув семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Бу семинарлар фақат қуруқ маърузалардан иборат бўлмай, реал вазиятлар, ҳаётий мисоллар, ходимлар дуч келадиган муаммолар, манфаатлар тўқнашуви, совға-салом, хизматдан фойдаланишдаги чекловлар каби масалаларни очиқ ва тушунарли тилда муҳокама қилишга қаратилган.

Биз коррупцияга қарши муросасиз курашамиз. Муросасизлик ортида фақат жазолаш турмайди. Бу ишчи-ходимларга тўғри йўлни кўрсатиш, шубҳали вазиятда уларни ёлғиз қолдирмаслик, тизимга нисбатан ишонч туйғусини мустаҳкамлашни ҳам қамраб олади. Чунки кучли тизим ходимни чўчитмайди, аксинча, ҳимоя қилади ва ҳалолликка етаклайди.

Биз очиқликни тамойил сифатида қабул қилганмиз. Ҳар бир ходим, ҳар бир ҳамкоримиз шуни билишларини истардикки, корхонамизда ҳалоллик қадрият даражасига кўтарилган.

Коррупцияга қарши курашиш йўлида қилинган ҳар бир кичик қадам ҳам катта натижаларга олиб келади. Зеро, бугун қилган танловимиз эртанги обрў-эътиборимиз, рақобатбардошлигимиз ва жамият олдидаги масъулиятимиздир.

Одилжон БАСТАМКУЛОВ,
“UzAuto Motors” АЖ ижрочи директори.



Biznesni Rivojlantirish Banki

“BIZNESNI RIVOJLANTIRISH BANKI” ATB AKSIYADORLARINING NAVBATDAN TASHQARI UMUMIY YIG’ILISHI O’TKAZILISHI TO’G’RISIDAGI XABARNOMA

2026-yil 29-yanvar kuni soat 11:00 dan boshlab “Biznesni rivojlantirish banki” ATB aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig’ilishi bo’lib o’tadi. Aksiyadorlar 2026-yil 29-yanvar kuni soat 10:00 dan 11:00 gacha ro’yxatga olinadi. Bank joylashgan manzil: 100011, Toshkent shahri, Navoiy ko’chasi 18-A uy.

UMUMIY YIG’ILISH KUN TARTIBI:

1. Bank aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig’ilishi reglamentini tasdiqlash.
2. E’lon qilinadigan aksiyalarning eng ko’p miqdorini belgilash.
3. Bank ustaviga o’zgartirishlar kiritish to’g’risida.
4. Bankning “Bank Kuzatuv kengashi to’g’risidagi” va “Bank Boshqaruvi to’g’risidagi” Nizomlarni Yangi tahrirda tasdiqlash to’g’risida.
5. Bankda korporativ boshqaruv tizimini 2024-yil yakuniga ko’ra o’tkazilgan mustaqil baholash natijalarini ko’rib chiqish.
6. Bankning tashkiliy tuzilmasini tasdiqlash to’g’risida.
7. Istiqbolli deb topilgan issiqxona xo’jaliklariga hisoblangan penya qarzdorliklarini hisobdan chiqarish to’g’risida.

Aksiyadorlarning Umumiy yig’ilishiga shaxsini tasdiqlovchi hujjat, vakillari esa belgilangan tartibda rasmiylashtirilgan ishonchnoma bilan kelishlari shart.

Aksiyadorlarning Umumiy yig’ilishida qatnashish huquqiga ega bo’lgan aksiyadorlar ro’yxati 2026-yil 23-yanvar holatiga ko’ra tuziladi.

ATB “Biznesni rivojlantirish banki” Kuzatuv Kengashining 2026-yil 6-yanvardagi qaroriga asosan:

1. Umumiy yig’ilish o’tkazish to’g’risida bank aksiyadorlarini xabardor qilish uchun reestrni shakllantirish sanasi: 2026-yil 6-yanvar.

2. Umumiy yig’ilishda ishtirok etish huquqiga ega bo’lgan bank aksiyadorlarining reestrini shakllantirish sanasi: 2026-yil 23-yanvar.

Murojaat uchun telefon:
(78) 150-76-65

Bank Kuzatuv kengashi

MUASSIS:



O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:

Ulug’bek INOYATOV
Ulug’bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mustaқиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 137. 2214 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda